Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 79 (6969). 26 апрель, 1979 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ 1 МАЙГА

СТУДЕНТЛАР ОТРЯДЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СЛЁТИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Сизларни, студентлар отрядларининг актив қатнашчиларини самимий табриклайман.

Сизнинг слётингиз чорак аср илгари қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошланган Қозоғистонда ўтказилмоқда. Қўриқ ерларни ўзлаштириш эпопеясининг қаҳрамонона йилларида студентларнинг отрядлари вужудга келиб, мустаҳкамланганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу отрядлар студент ва ўқувчи ёшларнинг оммавий ватанпарварлик ҳаракатини бошлаб берди.

Студентлар ва ўқувчилар отрядларда, ишчилар ва колхозчилар билан бир сафда туриб ишлаб, коллектив меҳнат ва ижодкорлик тажрибасини ҳосил қиладилар, олган билимларини практикада мустаҳкамлайдилар, ўзларини ҳаётда актив позицияда туриш руҳида тарбиялайдилар. Отрядларнинг составини йил сайин янгиланмоқда, аммо фидокорона меҳнат анъаналари, романтика ва самимият, дўстлик ва ўртоқлик руҳи доим сақланиб қолмоқда.

Бу отрядларда 6 миллиондан зиёд йигит ва қиз ғоявий-сиёсий меҳнат ва ахлоқий чиниқишнинг ажойиб мактабидан ўтди. Коммунистик партия ва Совет давлати Ленин комсомолининг студент ва ўқувчи ёшларни КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш йўлидаги умумхалқ курашига қўшган ҳиссасига юксак баҳо берадилар. Студентлар зарбдор қурилишнинг энг муҳим объектларида ҳар йили миллиард сўмлик ишни бажараётганлиги ўқувчи ёшлар ўнинчи беш йиллик топшириқларини амалга оширишда реал куч бўлиб қолганлигини яққол исбот этади. Отрядларнинг фаолият соҳаси доим кенгайиб боряпти. Улар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, транспорт, савдо-сотиқ ва маиший хизматни ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар. Студентларнинг ижтимоий-сиёсий практикаси бойиб боряпти. Студентлар отрядларидаги иш мутахассислар тарбиялаб етиштириш яхлит жараёнининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқаришнинг тажрибали ва моҳир ташкилотчиларини тайёрлашга актив ёрдам беради. Шу боисдан ҳар бир студентнинг таълим вақтида меҳнат семестри мактабини ўтиб, ташкилотчилик ва тарбия иши малакасини ҳосил қилиши муҳимдир.

Сизнинг олдингизда катта ва масъулиятли ишлар турибди. Сизлар келгусида инженер, агроном, педагог, фан ва маданият ходимлари бўлиб етишасиз. Бинобарин, сабот матонат билан ўқиб, коммунизм учун курашда жанговар қурол бўлмиш марксча-ленинча назарияни ижодий тарзда эгаллаб олишингиз, ўзингизни меҳнатсеварлик, ишчанлик, янгиликка, илғорликка интилиш руҳида тарбиялашингиз зарур.

Азиз дўстлар, Сизларга ўқишда ва зарбдор меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Ленин ишига, партия ва халқ ишига ҳамиша содиқ бўлингиз, шон-шуҳратга чулғанган улуғ Октябрь байроғини шараф билан баланд кўтариб боринглар.

Л. БРЕЖНЕВ.

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН



БЎКА районидаги «Коммунизм» колхози деҳқонлари хўжаликни комплекс ривожлантириш учун курашмоқдалар. Колхозда макка жўхорикорлик ҳам юксалмоқда. Бу йил 20 гектар ерга дон учун, 40 гектар ерга кўкпоя учун маккажўхори экилди. Шу кунларда ниҳоллар парвариши кучайтириб юборилди. Суратда: (чапдан) маккажўхорини культивация қилиш пайти. Бригадир Шоносир Сиддиқов ва механизатор Сайдумар Исмонлов ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Ж. Тўраев фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР САНОАТИДА 1979 ЙИЛ I КВАРТАЛ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Республика саноатининг ходимлари ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили I квартал планини муваффақиятли бажардилар. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 5,1 процент бўлди. Меҳнат унумдорлиги 1,6 процент ўсди. Маҳсулот ўсишининг 47 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Қора металлургия, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик ва металл ишлаш, ўрмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати, ойна ва чинни фаянс саноати, озиқ-овқат ва ун тортиш—ёрма саноати илдам суръатлар билан ривожланди.

Кўмир саноати, рангли металлургия, бинокорлик материаллари саноати янада ривож топди.

Айрим министрликлар ва идораларда маҳсулотни реализация қилиш плани қандай бажарилганлиги, ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатларини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

Умуммиттифоқ министрликлари

	Маҳсулотни реализация қилиш планининг I квартал бажарилиш процентлари	1979 йил I квартала 1978 йил I квартал. нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
Газ саноати	99,2	99	98
Нефть саноати	102	96	96
Кўмир саноати	103	102	102
Химия саноати	98	107	104
Электр-техника саноати	102	105	106
Химия ва нефть машинасозлиги	102	105	103
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати	102	105	106
Автомобиль саноати	102	103	102
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги	102	110	110
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги	103	107	107
Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари	96	104	102
Целлюлоза-қоғоз саноати	101	88	90
Микробиология саноати бош бошқармаси	105	106	102
Иттифоқ — республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари			
СССР қора металлургия	100,9	120	97
СССР рангли металлургия	100,2	101	102
СССР нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати	97	104	99,1
Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати	104	103	108
Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати	97	106	104
Ўзбекистон ССР енгил саноати	103	106	105
Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати	102	96	95
Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати	101	111	109
Ўзбекистон ССР гўшт ва сут саноати	104	104	105
Ўзбекистон ССР маҳаллий саноати	102	109	105
«Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси	104	116	113
Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги давлат комитети	118	121	112

Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрида маҳсулотни реализация қилиш квартал планининг бажарилишини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	Маҳсулотни реализация қилиш планининг I квартал бажарилиш процентлари
Қорақалпоғистон АССР	103
Андижон области	103
Бухоро области	101
Жиззах области	106
Қашқадарё области	104
Наманган области	102
Самарқанд области	102
Сурхондарё области	104
Сирдарё области	102
Тошкент области	102
Фарғона области	102
Хоразм области	99,7
Тошкент шаҳри	102

Умуман республикада **саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқаришга** доир маълумотлар қуйидагилардан иборат:

	1979 йил I квартала ишлаб чиқарилди	1979 йил I квартала 1978 йил I кварталига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергия — миллиард киловатт-соат	8,7	94
Минерал ўғит (шартли бирликларда)—минг тонна	1611	103
Моногидрат ҳолидаги олтингугурт кислотаси—минг тонна	413	102
Синтетик смола ва пластмассалар—минг тонна	9,3	119
Синтетик ювиш воситалари—минг тонна	7,0	98
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	1751	105
Бронекабель—минг километр	4,6	95
Компрессорлар — дона	1665	105
Тракторлар — минг дона	5,9	99,2
Трактор прицеплари—минг дона	9,2	96
Трактор культиваторлари—минг дона	5,3	98
Пахта териш машиналари (физик бирликларда)—дона	2353	100,3
Осма электр кранлар (махсус кранлар ҳам шу ҳисобга киради)—дона	336	100,0
Экскаваторлар—дона	375	100,0
Қоғоз—минг тонна	6,2	95
Картон—минг тонна	13,2	103
Йиғма темир-бетон конструкция ва деталлар—минг куб метр буюм	1103	102
Шифер, миллион шартли тахта	63,3	102
Иморатбоп ғишт—миллион дона	409	99,8
Пахта толаси—минг тонна	5608	96
Хом ипак—тонна	405	95
Каноп толаси—минг тонна	3,4	101
Пайпоқлар миллион жуфт	10,5	102
Ички трикотаж—миллион дона	8,0	101
Устки трикотаж—миллион дона	4,6	103
Чарм пойафзал—миллион жуфт	7,4	104
Гўшт (давлат хом ашё ресурсларидан)—минг тонна	36,1	103
Колбаса маҳсулотлари—минг тонна	14,5	108
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари сутга айлантириб ҳисобланган (давлат хомашё ресурсларидан)—минг тонна	102,3	103
Сариёғ (давлат хом ашё ресурсларидан)—минг тонна	2,4	104
Усимлик ёғи (давлат хом ашё ресурсларидан)—минг тонна	124,0	94
Кондитер маҳсулотлар—минг тонна	34,7	109
Консервалар—миллион шартли банка	55	106
Рўзғор холодильниклари—минг дона	19,2	77
Мебель—миллион сўмлик	26,5	110
Чинни-фаянс идишлар—миллион дона	16,3	118

Ўтган йилнинг биринчи кварталига нисбатан машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар: пайпоқлар ва трикотаж, чарм пойафзал, сариёғ, кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди.

Республика саноатида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш; асбоб-ускуналардан, хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, чиқарилаётган маҳсулот сифатини кўтариш соҳасидаги иш давом эттирилди. Олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1978 йил I кварталига нисбатан 1,3 баравар кўпайди. Янги илғор технология жараёнлари ўзлаштирилди, ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди.

Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулот таннархини камайтириш, маҳсулотларнинг зарур турларини лозим бўлган сифатда ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажармади. Янги ишга туширилган қувватлар суст ўзлаштирилди ва улардан тўла-тўкис фойдаланилмади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ЧАҚИРИҚЛАРДАН ИЛҲОМЛАНИБ

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари республикамиз пойтахтидаги 159-қурилиш трести ишчи-хизматчилари ғайрат-шижоатини янада авж олдириб юборди. Тошкентда олиб борилаётган капитал қурилишига муносиб ҳисса қўшаётган бу ташкилот бинокорлари социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтармоқдалар. Улар меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик кунини муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳаракат қилишяпти.

Бу ватанпарварлик ҳаракатида қатнашаётган кўпгина қурилиш бригадалари коллективлари юксак меҳнат кўрсаткичларига эришмоқдалар. Айниқса, Қодир Одилов раҳбарлик қилаётган комплекс коммунистик меҳнат бригадаси бунёдкорларининг меҳнати баракали бўлмоқда. Улар «Марказ-6» микрорайонида иккита 9 қаватли кўп квартирали уйжой қурилишини жадал суръатлар билан олиб боришяпти. Бригаданинг айрим аъзолари норманн анча ортиғи билан адо этмоқдалар. Пайвандчи Н. Бочкарев, ғишт терувчи Ҳ. Эргашев, дурадгор Р. Хожимуродов ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўз касбини пухта эгаллаган бу қўли гул бинокорлар норманн 200 процентга атрофида бажаришяпти. Бригаданинг қулик иш кўрсаткичи эса 140—150 процентни ташкил этмоқда.

КПСС аъзоси, учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Йўлдош Шобилолов бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг эришаётган ютуқлари ҳам салмоқли бўлаяпти. Улар уйжой қурилишида бригада пудратини қўлланиб ишлаш туфайли кўплаб бинокорлик материалларини ҳам тежаб қолишга эришмоқдалар. Топшириқни эса ҳар куни 30—40 процент ортиғи билан адо этишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

ТАРМОҚНИНГ ЙЎЛИ: САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ

25 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилишга область партия комитетларининг саноат масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, республика Госплани, министрликлари ва идораларининг масъул ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, етакчи мутахассислар, пахта тозалаш саноати министрлигига қарашли бирлашма ва корхоналардаги партия ҳамда комсомол ташкилотларининг секретарлари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг ходимлари таклиф қилинди.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков очди.

Йиғилишда Ўзбекистон пахта тозалаш саноати корхоналарининг коллективлари олдида 1978 йил пахта ҳосилини қайта ишлашни самарали тугаллаш ҳамда КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг талаблари асосида 1979 йил ҳосилини қабул қилиш, асраш ва қайта ишлашга пахта заводлари билан тайёрлов пунктларининг моддий-техника базасини тайёрлаш соҳасида турган вазифалар кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмонов доклад қилди.

Доклад ва нутқларда уқтириб ўтилганидек, республика пахтачилари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун беш йиллик йилларида бирталай иш қилганликлари қайд этилди. КПСС XXV съезди қарорлари асосида тармоқ корхоналари техника билан қайта қуроллантирилганлиги заводлар ва тайёрлов пунктларининг қувватини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражасини кўтариш, меҳнат шароитларини яхшилаш имконини берди. Маҳсулот сифати сезиларли равишда оширилди. Ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сарфланган куч-ғайратлар, кадрларнинг ўқиши, социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёзиши беш йилликнинг уч йили планини ва 1978 йил программасини муддатидан илгари бажариш имконини берди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумлари талаблари асосида пахтачилар муҳим масалаларни ҳал этишлари лозим. «Бугун биз дон, сабзавот, мева, пахта нобудгарчилиги тўғрисидаги масала фақат иқтисодий масалагина эмаслиги тўғрисида тўла асос билан гапиряпмиз, у катта сиёсий масала ҳамдир... Ҳар бир коммунист, ҳар бир хўжалик ва партия ходими халқ бойлиги учун жонкуярлик қилиши лозим», — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев. Ҳолбуки пахтанинг нобуд бўлиши, жўнатилган маҳсулотнинг сифати хусусида норозилик хати олиниши, хом ашёнинг ортиқча сарфланиши фактлари термоқнинг бир қанча корхоналарида ҳамон давом этиб келмоқда.

Кенгаш қатнашчилари шуни таъкидладиларки, яқин вақтларда бултурги ҳосилни қайта ишлашни тугаллаш билан бирга 1979 йилги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёргарлик ишларини авж олдириб юбориш ҳам лозим. Йиллик планни 24 декабргача, беш йиллигининг тўрт йили программасини эса 23 ноябргача тугаллаш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари билан биргаликда топширилаётган пахтанинг сифатини яхшилаш тадбирлари кенг программасини амалга ошириш керак. Пахта саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг олимлари ва мутахассислари териб олинган пахтани ғарамлашни механизациялаш, унинг сифат параметрларини тез аниқлаш масалаларини ҳал этишни жадаллаштиришлари, машинада терилган пахтани қуритиш ва тозалаш технологияси юзасидан асосланган тавсиялар беришлари лозим. «Ўзбекхлопкомаш» пахта тозалаш саноати учун машиналар ва уларнинг запас қисмларини узлуксиз етказиб бериш талаб қилинади.

КПСС XXV съезди, Марказий Комитет Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар социалистик экономиканинг жуда катта имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга, фантехника тараққиётини жадаллаштиришга, камроқ чиқим қилиб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш учун ҳамма резервларни сафарбар қилишга ундайди. Янги ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш ва уларни ўзлаштиришни жадаллаштириш — пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини ишга туширишга, қуритиш-тозалаш цехлари тармоғини ривожлантиришга, териб олинган пахтани асраш учун кўпроқ омборлар қуриш зарур. Ямпол райони механизаторларининг қишлоқ хўжалик коллективлари билан қайта ишлаш саноати корхоналарининг куч-ғайратлари туфайли энг яхши пировард натижага эришиш учун бошлаган ҳаракатидан ўрнак олиб социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириш белгиланган юксак марраларни муваффақиятли эгаллашга ёрдам беради. Дала — тайёрлов пункти — пахта заводидан иборат конвейер ягона зарбдор маромда ишлаб турадиган бўлсин.

Йиғилишда СССР Енгил саноат министри Н. Н. Тарасов сўзга чиқди.

Партия-хўжалик активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қабул этилган қарорда 1979 йилги ва ўнинчи беш йиллик учун олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришни таъминлаш тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Ф. И. Мочалин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Й. Р. Қурбонов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

БИНОКОРЛАР БАЙРАМОЛДИ ВАХТАСИДА

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан руҳланган Тошкент шаҳри қурувчилари зарбдор вахтада туриб меҳнат қилишмоқда. Улар иш вақтидан, машина ҳамда механизмлардан унумли фойдаланиб, юксак кўрсаткичларни қўлга киритишаётир.

1-УИСОЗЛИК комбинатининг усталари ҳам умумхалқ байрамини катта меҳнат совғалари билан кутиб олишяпти. Улар йил бошидан бери Оҳангарон шоссеси, Сергели ва Қорасув массивларида бир нечта турар-жой объектларини қуриб фойдаланишга топширишди. Куни-кеча эса Хуршид кўчасидаги 126 хонадонга мўлжалланган тўққиз қаватли турар-жой биносида сўнгги қурилиш-монтаж ишларини ниҳоясига етказишди.

Бинокорлик ишларини сифатли бажаришда 27-қурилиш бошқармасининг Раҳим Ниёзов етакчилик қилаётган коллективи бинокорларининг катта хизматлари бор.

* * *

ТРАКТОРСОЗЛАР шаҳарчаси эндиликда катта қурилиш майдонларидан бирига айланиб қолди. Ҳар йили бу ерда кўплаб турар-жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтаряпти. Яқинда тракторсозларнинг фарзандлари қурувчилардан янаа бир совға олишди. 280 кичкинтойга мўлжалланган икки қаватли болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

* * *

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ майдони ёнида тўққиз қаватли уйлардан ташкил топаётган «Олмазор» микрорайони қурилишининг бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, 2-уйсозлик комбинати қурувчиларининг фидокорона меҳнатлари туфайли қисқа вақт ичида бу ерда учта тўққиз қаватли турар-жой биноси қад кўтарди. Куни-кеча микрорайондаги дастлабки тўққиз қаватли уйда жилокорлик ишлари тугади. Уни 2-уйсозлик комбинатига қарашли 2-пардозлаш бошқармаси бунёдкорлари амалга оширишди.

Бино 54 хонадонга мўлжалланган бўлиб, тез кунда бу ерда ҳамшаҳарларимиз уй тўйларини нишонлашади.

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ТАКЛИФ ЭТМОҚДА

Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмасида карбамидни жўнатиш ва майдалаб қадоқлаш системасини механизациялаш эвазига бир йилда юз минг сўм тежаб қолинмоқда. Ана шу участкада ишлаётган ишчиларнинг меҳнати анча енгиллашди. Бу янгилик корхонада доимий ишлаб турган ишлаб чиқариш кенгашининг ташаббуси билан жорий этилди. Кенгаш составида илғор ишчилар, тажрибали инженерлар, техниклар, хизматчилардан 133 киши бор. Беш йиллик бошидан буён «Электрохимпром» бирлашмасида 1200 дан кўпроқ таклиф жорий этилди. Бу таклифлар ишлаб чиқариш резервларидан кенг фойдаланишга имкон берди.

(ЎзТАГ мухбири).

КОММУНИСТ ИБРАТИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида «...замонавий юксак даражада сермаҳсул қишлоқ хўжалигисиз иқтисодий тараққиётга эришиб бўлмайди» деб таъкидлади. Районимиз партия ташкилоти активининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳар томонлама белгилаб олдик.

Район партия комитети КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлган коммунистларнинг шахсий масъулиятини оширишга катта аҳамият бермоқда. Аввало вазифаларнинг мазмун-моҳиятини партия йиғилишларида, пропагандист ва агитаторларнинг суҳбатларида ҳар бир коммунист, ишчи, сабзавоткору чорвадорнинг қалбига етказиш учун курашяпмиз. Айниқса бевосита ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларида меҳнат қилаётган коммунистларда ижодкорлик хислатларини уйғотишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Тадбирлар самараси ўлароқ районимизда саноат ишлаб чиқариши, ғалла, сабзавот, чорва маҳсулотлар етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Нурчилар, мармарсозлар, қурувчилар орасида бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш юзасидан социалистик мусобақа тобора авж олдирилмоқда. Мусобақа пешқадамлари бўлган коммунистлар сифат ва самарадорликка эришишда бошқаларга шахсий намуна кўрсатмоқдалар. Бундай коммунистлар ойна заводи, Чорвоқ ГЭСи, 125-автобаза, тошташқилаш комбинати ва бошқа корхоналарда кўплаб топилади.

Василий Семенович Пустовойтов Улуғ Ватан урушидан яраҳол бўлиб қайтгач, тўғри олдинги иш жойига — кичкинагина тош йўниш устахонасига одий тошъесар бўлиб келди. Жанглардаги коммунистга хос фидокорлигини тинч меҳнатда ҳам намоён қилди. Устахона кенгайиб, қуввати ортишида унинг ҳиссаси катта бўлди. Тез орада Василий Семенович комбинат директори даражасига кўтарилди. Бу коммунистнинг сиймосида босиқ партиявийлик принципи, ишбилармонлик, давлат ва халқ олдидаги коммунист комини оқлашга интилувчанлик хислатлари яққол намоёндир. Комбинатда А. Кульшина, С. Бузруков сингари фидокор коммунист-ишчилар ҳам яхши ташаббусларнинг ижодкорлари ҳисобланишади.

В. Кубасов билан Ю. Кожаевлар яқиндагина ойна заводида олдий ишчи сифатида меҳнат қилишарди. Умум манфаати учун жон қойитиб ишлаганликлари туфайли эл назарига тушишди. Ҳозир ҳар иккиси ҳам цехларга муваффақиятли бошчилик қилишяпти. 125-автобаза шофери Фатхулла Тўлаганов ўн биринчи беш йиллик ҳисобига йўл танобини тортяпти. Эргаш Йўлдошев бошлиқ комплекс қурилиш бригадаси «Чарвак-ГЭСстрой» бошқармасида мусобақа байроқдори бўлди. Ишда ва турмушда шахсий намуна кўрсатаётган бундай коммунистлар районимизда жуда кўп.

Партия Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев мусобақалар изчил ва самарали бўлиши, ортиқча дабдабага берилмасдан халқ оммаси ичида туғиладиган чинакам амалий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳақида берган кўрсатмалари район партия комитети ва партия ташкилотлари учун экономика ва идеология жабҳасида ҳаракат программаси бўлиб хизмат қиляпти. Колхоз-совхозларда коммунистик мўл-кўлчилик йўлида матонат билан иш олиб бораётган коммунистларнинг интилишларини кенг оммалаштиришга алоҳида эътибор қиляпмиз.

Ўтган йили Фрунзе номли колхозининг бир группа чорвадорлари қишловни наъмунали ўтказиш, қиш даврида юқори маҳсулдорлик даражасини таъминлаш юзасидан тадбирлар тузиб райкомга келишди. Ана шу ватанпарварлик ташаббуси туфайли қишлов аввалги йиллардагига нисбатан анча муваффақиятли ўтди.

Районда асосий қўйчилик базаси ҳисобланган бу колхозда Тонготар Пертаев оиласи ҳам истиқомат қилади. Коммунист чўпон кўп йиллардан бери жамоат чорвасини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. У ҳар йили ўз отаридаги 400 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан плангдаги 100 ўрнига 130 тадан қўзи олмоқда. Ўтган йили унга мукофот тариқасида навбатдан ташқари ГАЗ-24 «Волга» автомашинаси берилди. Ленин ва Октябрь революцияси орденларига сазовор бўлди. Рафиқаси Баянбека опа, тўнғич ўғли Қобил ҳам оила бошлиғига яқиндан ёрдам беришяпти. Кўш Ленин орденли Айдарбек Кўшкинбоев, ака-ука Маъмур ва Абдиманнон Мўминовлар ишда ҳам, оилада ҳам коммунистик хислатларини намоён қилиб, кўплаб соғлом қўзи ва жун олишда бутун районга намуна бўлишяпти.

Жданов номли колхознинг коммунист Қарил Пайзибеков бригадаси ўнинчи беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида 2830 тонна сабзавот берди. Бу беш йиллик учун белгиланган плангдагидан 1000 тонна ортиқдир. Қарил бригадирлик қилган қисқа вақт ичида сабзавот ҳосилдорлигини гектарига 18 тонналан 40 тоннага етказди. К. Маркс номли колхоздан Ш. Жайловбоев бригадаси ўтган йили плангдаги 411 тонна ўрнига 542 тонна сабзавот етказиб берди. Улар бригада коллективларида партиявий интизом ва уюшқоқликни қарор топтирганликлари, фан-техника ютуқларини деҳқончиликка кенг жорий этаётганликлари, юқори партия органлари ва мутахассисларнинг маслаҳат ҳамда йўл-йўриқларига қатъий риоя қилаётганликлари туфайли ғалаба қозонишмоқда.

С. Ибраев кўп йиллардан бери колхоз активлари қаторида жамоат ишларига бошқош бўлиб келмоқда. Ўтган йили унинг бригадаси XI беш йиллик ҳисобига ишлаб 1000 тонна силосбоп кўк масса, 275 центнер каноп етиштирди. Бу йил унинг бригадаси янада оширилган мажбуриятлар олди. Область партия комитети яқинда бошқа тажрибали сабзавотчилар қаторида беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини ошириб бажариш юзасидан унинг ҳам ташаббусини маъқуллади.


Ишда ва турмушда ибрат кўрсатаётган коммунистларнинг авангардлиги натижасида қишлоқда турмуш маданияти юксалмоқда, янгича урф-одатлар анъанага айланиб, социалистик турмуш тарзи камол топмоқда. Маориф, медицина, савдо ва маиший хизмат, дам олиш объектлари кенгайиб аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси ортиб боряпти. Ёшларни юксак аҳлоқ, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифаси ҳам партия ташкилотларининг диққат марказида турибди.

Партия сафларини амалда синалган ташаббускор комсомол аъзолари ҳисобига ўстиришда ёшларнинг шахсий фазилатлари, сиёсий онглилиги, коммунистик хислатларини қай даражада эгаллаганликларига эътибор қилиняпти. Чунки, коммунист деган юксак ва масъулиятли номга эга бўлган киши ҳар томонлама баркамол, меҳнатда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда бошқаларга ўрнак бўлиши зарур. Аммо ёш коммунистларнинг бундай даражага эришишларда кўп йиллик аъзолик стажига эга бўлган коммунистларнинг роли муҳимлигини эсда тутиш керак. «Ҳўжакент» совхозининг пиллачилик бригадири Ҳабиба Раҳмонова, «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхозининг дончилик бригадаси бошлиғи Нортожи Эргашев, Улуғбек номли 11-ўрта мактаб мураббийси, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» Мирсанд Раҳимбердиев, Наная қишлоғи касалхонасининг бош врачи «Соғлиқни сақлаш аълочиси» Жўра Кенжаев ва бошқалар ёш коммунистлар учун ибрат бўлишмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари олдида катта вазифалар турибди. Сифат ва самарадорлик беш йилликни барча соҳалар бўйича муваффақиятли якунлаш, районда хутор системасини тугатиб, янги посёлка ва уй-жой массивлари ҳамда маданий-маиший объектлар қуриш, дам олиш масканларини кенгайтириш каби вазифаларни бажаришда коммунистлар алоҳида фидокорлик кўрсатмоқдалар. Партия белгилаган юксак марраларни эгаллашда улар байроқдор бўлиб меҳнаткашларни янги зафарлар сари бошлайверадилар.

Т. МИРКОМИЛОВ,
Бўстонлиқ район партия комитетининг иккинчи секретари.

ПАРТИЯ ХОДИМИ МИНБАРИ



«ЎЗКОМСЕЛЬХОЗТЕХНИКА» бирлашмасининг Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба-ремонт механика заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида қишлоқ хўжалиги машина-механизмларининг 7200 моторини ремонт қилиш ва 4 минг комплекс гидравлик пресслар тайёрлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Суратда: мастер Юрий Филимонов раҳбарлигидаги бригада аъзолари янги прессларни кўздан кечирмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЭШИТГАНДАН КЎРГАН ЯХШИ

Октябрь массивидаги 28-ҳаммомдан чиққан киши одатдагидек асло енгил тортмайди. Ҳаммом биносига яқинлашганингиз сайин кўнглингиз хиралашиб, кайфиятингиз бузилади. Сабаби бино атрофи қаровсиз, ичи ифлос. Кираверишингизда сизга дарҳол сомса ёки хоним таклиф қилишиб, ачиққина эканлигини мақташади. Бошқа биров қатигини кўз-кўз қилади. Билет сотувчи кассир аёл эса совун, писта, гугурт ва сигарета, ҳаттоки қурт ҳам таклиф этади. Ҳаммом билетига қўшиб сотилувчи бу «товарлар»нинг ҳаммаси ўз нархидан икки уч баробар қиммат.

Энди ҳаммомга кирсак. Ечинадиган хоналарда илгак ўрнига михлар қоқилган. Нассиқхона ва на совуқхонадаги эшикларда тутқич бор. Улар очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Хоналар қоронғи. Сабаби ёқилиши лозим бўлган 12 точкадан атиги учтасида лампочка бор, ҳолос. Уч хонали душнинг биттаси икки йилдан буён ишламайди. Ҳаммомнинг у ер-бу ерида ўз вақтида тозалаб турилмаганлиги сабабли ифлос сувлар тўпланиб қолган.

Навбатчи ҳаммомчи ичкарига қиё ҳам боқмайди. Чунки, у чойхоначи вазифасини қойилмақом қилиб бажараяпти. Нари-бери ювиниб чиққан одамларга бир пиёладан чой узатиб, 10—15 тийиндан пул ишлаш билан овора...

Биз ҳаммомдаги бу «қулайликлар»ни Акмал Икромов район маиший хизмат кўрсатиш комбинати раҳбарлари ҳамда район санитария-эпидемиология станцияси ходимлари ўз кўзлари билан кўришларини истар эдик. Чунки, ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади.

Собит ҒОФУРОВ,
Ульянов номли маҳалла комитетининг аъзоси.



АЪЛОЧИ ЎҚУВЧИЛАР СЛЕТИ

ЎҚУВ йили якунланишига оз вақт қолди. Шу ўтган ойлар давомида областимиздаги умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида таҳсил кўраётган тоилоб илмлар меҳрибон устозлари ва ўқитувчилари кўмагида янги билимлар ва бой тушунчаларга эга бўлдилар.

Яқинда улар Тошкентдаги «Билимлар уйи»га тўпландилар. Бу ерда ҳунар-техника таълими юртлари ва мактаблар аълочи ўқувчиларининг область слёти бўлиб ўтди. Область комсомол комитети, область ҳунар-техника таълими бошқармаси ва область халқ маорифи бўлими томонидан уюштирилган бу тадбир шодлик кечасига айланиб кетди.

Аълочи ўқувчиларни турли ташкилотлардан келган донгдор кишилар муборакбод этдилар. Область ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи ўртоқ О. Мусаев билим ўчоқларида олиб борилаётган намунали ишлар ҳақида гапириб берди.

Чиндан ҳам областимиздаги ҳунар-техника билим юртларида билимларни пухта эгаллаш учун анчагина ишлар қилинди. Бўлажак касб эгаларининг мустақил ижодкорлигига ҳам эътибор кучайди. Қатор билим ўчоқлари аълочи ўқувчилари Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломлари билан тақдирландилар.

Область слётида барча ўқувчиларга қарата мурожаат қабул қилинди.

АРХИТЕКТОР РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН Архитекторлари союзи кўргазма залида пенсионер ва ёш архитектор-рассомларнинг ижодий кўргазмаси очилди. Кўргазмага 100 дан ортиқ иш қўйилган. Мўйқалам усталари яратган табиат манзараси, дала ишлари тасвири ўзининг ранг-баранглиги билан диққатни тортади.

Архитектор И. Носиров мўйқаламига мансуб бўлган Чирчиқ шаҳри, уни табиат манзараларини акс эттирувчи асарлари кўргазмада марказий ўрин олган. Пенсионер архитектор Л. Травянко «Қайинзор», «Табиат манзараси» каби картиналари ёнидан томошабин аримайди.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОВЕТ—АМЕРИКА МУЗОКАРАЛАРИ

ЖЕНЕВА, 25 апрель. (ТАСС). Оммавий қирғин қуролларининг янги турлари ва системаларини тақиқлаш ва шу жумладан радиологик қуролларни тақиқлаш тўғрисидаги музокараларни давом эттириш мақсадида СССР ва АҚШ делегациялари 6 февралдан 20 апрелгача Женевада учрашиб турдилар.

Музокаралар давомида томонлар муҳокама қилинган ҳар хил масалаларни ҳал этишга қандай ёндошувларини баён этдилар. Улар радиологик қуролни тақиқлаш тўғрисида тузилиши мумкин бўлган битимни ишлаб чиқишни давом эттирдилар ва битимнинг асосий қоидаларини олдиндан келишиб олиш йўлида силжишга эришдилар. Томонлар ўзаро келишиб олинган муддатда музокараларни давом эттиришга қарор қилдилар.

МОСКВАДА ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИГАН КИТОБ ЯРМАРКАСИ ОЛДИДАН

ДЕҲЛИ, 24 апрель. (ТАСС). Ҳиндистон маориф, социал таъминот ва маданият министрлигининг маслаҳатчиси Д. Н. Мисра ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: шу йил сентябрь ойининг бошларида Москвада иккинчи халқаро китоб кўргазма — ярмаркаси очилади. Бу кўргазма — ярмарка бутун дунё китобсеварлари учун муҳим воқеа бўлади.

Саксонга яқин йирик давлат ва ҳусусий нашриётлар Москвада намойиш этиш учун қарийб икки мингта китоб келтиришга тайёргарлик кўрмоқда. Бу китоблар орасида Ҳиндистон муаллифларининг Ҳиндистон халқлари турли тилларида ёзилган бадиий асарлари, тарихий монографиялар, луғатлар, болалар адабиёти ва илмий-техника адабиёти, медицина, санъат ва театрга оид китоблари бор.

Ҳиндистон адабиёт ва нафис санъат академияларининг нашрлари, миллий музейи асарлари репродукцияларининг альбоми, шунингдек «Ҳиндистон географияси», «Ҳиндистон дарёлари», «Ҳозирги қишлоқ» туркумидаги чиройли қилиб безатилган ва кўплаб суратлари бўлган альбомлар ва кўпгина бошқа асарлар чет эллик китобхонлар ва мутахассисларни қизиқтиради, деб ўйлаймиз.

Ҳиндистонда нашр этилган китоблар чет эллик китобхонга мамлакатнинг ҳозирги ҳаёти тўғрисида, унинг бой маданий-тарихий мероси, келгусидаги режалари тўғрисида ҳикоя қилиши лозим, деб таъкидлади Д. Н. Мисра.

1977 йилда Москвада ўтказилган халқаро китоб ярмаркаси, деб таъкидлади у, Ҳиндистон учун муваффақиятли бўлди. Бу йилги ярмарка эса бизга чет эллик ноширларга ўзимизнинг янги китобларимизни таклиф қилиш, шунингдек Совет Иттифоқидаги нашриётлар билан, аввало ўқув адабиётини чиқарувчи нашриётлар билан алоқамизни мустаҳкамлаш имконини беради.

ГЎЗАЛ ТОМОША

НЬЮ-ЙОРК, 24 апрель. (ТАСС мухбири). Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат халқ рақс ансамбли «Баҳор» Қўшма Штатлардаги ўз гастроллари программасини Нью-Йоркдаги энг катта бино халқаро савдо-сотиқ марказида томоша кўрсатиш билан бошлади. Ансамбль Америка — Совет дўстлиги миллий концертларидан ташқари шу шаҳарларнинг аҳолиси ҳозирги Ўзбекистонни тасвирловчи фотосуратлар ва китоблар кўргазмалари билан танишади, халқ амалий санъатининг энг яхши намуналарини, Ўзбекистон ССР турмуши тўғрисидаги фильмларни кўради.

Биз умид қиламизки, Ўзбекистон вакилларининг Америка халқи билан алоқалари ҳамма учун марокли ва фойдали бўлади, деди делегация бошлиғи А. Қосимов. Ҳеч нарса одамларни шахсий учрашув ва танишувларчалик бир-бирига яқинлаштирмайди. Биз бўлажак учрашувларни иккала мамлакат халқлари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик рамзига айлантиришга аҳд қилганмиз.

А. ВОРОНИН.

ЭРОНДАГИ ВАЗИЯТ

ТЕҲРОН, 24 апрель. (ТАСС). Эроннинг демократик кучлари мамлакат миллий қуролли кучлар бош штабининг собиқ бошлиги генерал М. В. Гаронининг кеча ўлдирилганлигини қораламоқдалар. Эрон халқ партияси (Туде)нинг бу ерда тарқатилган баёнотида шундай дейилган: бу жиноят учун жавобгарлик тамомила илгари тарқатиб юборилган яширин САВАК полицияси агентлари ва империалистларнинг малайлари зиммасига тушади.

Техрон радиосининг хабарига кўра, ҳукумат қўшинлари, курдлар ва туркманларнинг вакиллари ўртасида Эроннинг Негеда шаҳрида олиб борилган музокаралар натижасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида янги битимга эришилди.

Шунга қарамай бир-бирига қарши турган томонлар ўртасида вақт-вақти билан отишмалар бўлиб турибди. Эрондаги курдлар демократик партиясининг бош секретари А. Қосимлу Эрон революциясининг раҳбарларидан бири оятилло Толегонига мурожаат қилиб, низони бартараф этишда қатнашишни сўради.

Жанубий Эрондаги Хузистон вилоятидан ҳам ташвишли хабарлар олинмоқда. Бу ерда аҳолининг анча қисмини араблар ташкил қилади. Жанубий Эрон вилоятларидаги сунни арабларнинг диний бошлиги Ҳоқони революцион комитет аъзоларининг вилоятдаги араб аҳолисига нисбатан ҳаракати Хузистон халқининг тобора жиғига тегмоқда ва бу ҳол араблар билан эронлар ўртасида можаролар келиб чиқишига кўмаклашади, деди.

ЯНГИ НОН ЦЕХИ

ОҚҚЎРҒОН район марказида Алимкент нон комбинатининг филиали — янги нон цехи ишга туширилди. Бу меҳнаткашлар учун анча қулайликлар туғдирди. Эндиликда аҳоли оби-нонини ҳоҳлаган вақтда харид қилиш имконига эга.

Янги цех зарур барча асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган. Бу ерда иккита электр печи ўрнатилган. Уларда ҳар уч-тўрт минут давомида 64 та оби-нон пишиб чиқади. Бундан ташқари, сув иситадиган, ҳамир қорадиган ускуналар тўла автоматлашган.

Ҳозир цех коллективи ҳар куни меҳнаткашлар эҳтиёжлари учун минглаб дона бўрсилдоқ оби-нон ёпиб беряпти. Бундай нонлар савдо шоҳобчалари қатори ошхоналарга, буфетларга ҳам етказиб берилмоқда.

Цехда ўз касбини пухта биладиган нонвойлар ишлаяпти. Катта мастер Абдуғани Ҳолматов, Лазокатхон Саидаҳмедовалар кўп йиллар меҳнат қилиб, яхши тажриба орттиришган. Ўз касбларини ёшларга ҳам қунт билан ўргатишяпти. Нонвойлардан Абдужаббор Ҳолбоев, Нормамат Назаров, Зуҳра Алиевалар ғамхўр устозлари туфайли ҳунар сирларини яхши ўзлаштириб олишяпти.

М. ҚАНЗАФАРОВ.

МАНСУР Таваккалов кўп йиллардан бери Тошкент тепловоз депосида меҳнат қилиб келяпти. Бу илғор пайвандчи смена топшириқларини ошириб бажариш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашяпти.

В. Сироткин фотоси.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

МАТБУОТ ОБЗОРИ

КЕЙИНГИ йилларда партия ва ҳукуматимиз қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда. Партия XXV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида бу проблеманинг ниҳоятда муҳимлиги ва изчил амалга оширилиши кераклиги таъкидланди. Шу муносабат билан областимизда «Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш ва янгича анъаналарни тарғиб қилиш Совети» вужудга келди.

Область ҳамда район газеталарида, телевидение ва радиода дала меҳнаткашларини турмуш маданиятини юксалтиришга оид мавзуларга кенг ўрин берилди. Улар қишлоқ қурилиши, ободончилик, аҳоли яшайдиган пунктларнинг санитария аҳволини янада яхшилаш, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш, клублар, маданият уйлари фаолиятини активдаштириш темаларида ранг-баранг материаллар эълон қила бошладилар.

Шу жиҳатдан олганда Ўзбекистон КП Тошкент район комитети ва халқ депутатлари район Советининг органи «Шонли меҳнат» газетаси бу мавзуга жиддий эътибор бермоқда. Унинг саҳифаларида қишлоқларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, оила бюджетидан фойдаланиш, кишиларнинг маънавий дунёсини бойитишга оид материаллар мунтазам ёритилиб турибди. Шу мавзуда ёзилаётган мақолалар, лавҳалар, корреспонденциялар ўқимишлилиги, албатта зарур бир фикрни талқин этиши, социал ва маданий ривожланиш соҳасида қилинадиган ишларни аниқ баён қилиши билан ажралиб туради.

Биз газетанинг ўтган йилги ва шу йилнинг биринчи кварталидаги сонлари билан танишиб чиқдик. 1978 йилда «Шонли меҳнат» саҳифаларида 57 мақола, 4 та корреспонденция, 2 та қўш саҳифа, бешта подборка ва 11 та ахборот эълон қилинган бўлиб, уларнинг ҳаммасида қишлоқ маданиятини юксалтириш темаси ўз ифодасини топган.

Булар орасида, айниқса, ўтган йилнинг 14 июлида эълон қилинган «Янгича урф-одатлар—замонамиз зийнати» умумий сарлавҳа остида чиққан қўш саҳифа диққатга сазовор. Унинг авторлари турли касб эгалари: колхозчи, ишчи, ўқитувчи, раҳбар ходим ва эндиликда ҳаёт гаштини сураётган кексалар. Саҳифанинг бош мавзуси Ҳасанбой қишлоғида тўйларни ихчам, чиройли, файзли ўтказиш тажрибаси ҳақида. Қишлоқ Советининг шу борадаги фаолияти тўғрисида батафсил баён қилинган. Материаллар ўқимишли, янги фикрларга бой қишлоқнинг тўй ўтказишдаги тажрибаси бошқалар ўрганса арзигудек ҳикоя қилиб берилган. Газета саҳифаларида оила маданияти, чойхоналардаги аҳвол, кўчаларни ободонлаштиришга оид ҳам кўплаб материаллар босилган.

Қишлоқда турмуш маданиятининг юксалишини белгилайдиган омиллардан бири аҳоли билим доирасининг кенгайиб бораётганлиги билан белгиланади. «Болалар шоирлари — районимиз меҳмони», «Олимлар районимизда», «Ота-оналар сизлар учун» умумий сарлавҳа остида берилган мақолалар район аҳолиси ўртасида янгиликларга, китоб ва илмфанга қизиқиш тобора ортиб бораётганлигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Шунингдек, «Шонли меҳнат» саҳифаларида янги фойдаланишга топширилган савдо масканлари, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини ошириш тўғрисидаги материаллар ҳам тезтез учрайди.

Аммо газета ҳали эътиборини кучайтириши керак бўлган мавзулар ҳам анчагина. Хусусан қишлоқ клублари, маданият уйлари, уларда олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги материаллар кам.

Маълумки, кейинги йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, жон бошига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш масаласи биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар қаторидан ўрин олди. Негадир газета бу темада етарли даражада материаллар бермаяпти. Чунончи, болалар боғчалари, мактабгача тарбия муассасалари, мактабларда олиб борилаётган маданий-тарбиявий ишлар мавзусига ҳам газетада кам қўл урилмоқда.

Ҳозирги пайтда областимизда ободончилик ишки ойлиги давом этяпти. Бу борада Тошкент районида, Келес шаҳрида ҳам анчагина ишлар қилинмоқда. Лекин бу тема ҳам «Шонли меҳнат» газетаси эътиборидан четда қолаётир.

Газета журналистлари қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ютуқларни янада кўпайтиргани ҳолда юқоридаги истакларнинг амалга оширишга ижодий ёндошсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

С. ҲАСАНОВ.

Кампучия ахборот агентлигининг хабари

ПНОМПЕНЬ, 24 апрель. (ТАСС). Кампучия ахборот Агентлиги — СПКнинг хабар қилишича, полпотчи шайкаларининг қолдиқлари Кампучия революцион қуролли кучларининг зарбалари остида ноилож аҳволга тушиб қолгач, Таиланд территориясига ўтиб яширинмоқдалар.

СПК Агентлигининг уқтириб ёзишича, мамлакатнинг ғарбий чегара районларида полпотчиларнинг базаларини тугатиш операциялари вақтида 7 апрелдан 10 апрелгача Кампучия территорияси Таиланд томонидан бир неча бор тўпга тутилди. Тўп ўқлари ёғдириб турилган бир пайтда тор-мор этилган шайкаларнинг қолдиқлари Таиландга қочиб қолди.

Айни вақтда кейинги 10 кун мобайнида Таиланд территориясидан Кампучияга мингдан ортиқ «Кампучиялик қочоқлар» деб аталган кишилар ўтказилади. Аслида эса булар орасида революцияга қарши курашиш учун Кампучияга қайтиб келган кўпдан-кўп полпотчи газандалар бор эди.

Шу муносабат билан агентлик Сианкунинг Таиланд орқали икки минг полпотчини Кампучияга олиб боришга тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида хабар тарқатган эди.

Бундай ҳаракатлар, деб уқтиради СПК Агентлиги, Кампучия халқи билан Таиланд халқи ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничиликка зарар етказади ҳамда пекинлик реакционерларнинг босқинчилик муддаоларига қўл келади.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ЛИТВА ТИЛИДА

ВИЛЬНЮС. Республиканинг «Минтис» нашриёти В. И. Ленин 55 томлик тўла асарлар тўпламининг учинчи томини Литва тилида босмадан чиқарди. Нашрни Литва Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти тайёрламоқда.



БАРНАУЛ. «Цветы Алтая» совхози хўжалигида етиштирилган лолалар шаҳар хонадонларини безамоқда. Совхоз ўз лолаларини қўшни шаҳарларга ҳам жўнатади. Суратда: Т. Милинькова лолаларни териб олмоқда.

В. Садчиков фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ҚУРОЛИ

ЗАВОДИМИЗ коллективи КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўриқ» китоблари учун, тинчлик йўлида ҳормай-толмай олиб бораётган кураши учун ўртоқ Л. И. Брежневга Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги қарорини зўр мамнуният билан кутиб олди.

Леонид Ильичнинг асарлари — партия тажрибасининг бебаҳо ҳазинаси бўлиб, у ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишни такомиллаштириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндошиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради. Бу асарлар партиямиз, мамлакатимиз, бутун совет халқи ҳаётидаги жуда катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлиб, ҳаёт, меҳнат, курашнинг чинакам партиявий дарслигига айланиб қолди. Коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал этишда бу асарлар ҳақиқатан ҳам бебаҳо аҳамиятга эгадир. Л. И. Брежневнинг одамлар билан ишлаш маҳорати, уларни эҳтиросли партиявий сўз билан ишонтира олиши ҳар биримиз учун намунадир.

А. РОМАНОВ, Москвадаги Владимир Ильич Ленин номли электромеханика заводи цех партия ташкилотининг секретари.

(ТАСС).

ТОЖИКИСТОН: РОҒУННИНГ БИРИНЧИ ТОННЕЛИ

Роғун ГЭСи майдонида биринчи тоннель қазилиб бўлди. Обигарм дарёси энди мана шу 300 метрлик ер ости йўлаги орқали оқизилади. Суви қочирилган ўзан участкасидан эса қурилиш техникаси, юк ортган автотранспорт юра бошлайди. Шу операция қисқа бўлсада рельефи жиҳатидан мураккаб тоғ йўлида учта кўприк қуришдан воз кечишга имкон берди.

Роғун ГЭСи дарёда қад кўтармоқда. Бундай шароитларда ёрдамчи тоннелларни қуриш — дарё сувини четлаштириб транспорт коммуникациялари ўтказишга имкон берувчи бирдан-бир усулдир. Бу ерда жами 60 километр ер ости магистраллари қазилади.

Вахшдаги янги электростанция жанубий Тожикистон территориал-ишлаб чиқариш комплексида ривожланаётган корхоналарни энергия билан таъминлаш учун Норак ГЭСидан кейин қурилмоқда. Гидроузелнинг сув омбори ўрта Осиё республикаларида катта-катта ерларни суғоришга имкон беради.

(ТАСС мухбири).



БРЯНСК. «Культура» совхози ишчилари етиштираётган сабзавот маҳсулотлари хўжаликдан тўппа-тўғри магазин пештахталарига келтирилаётганлиги сабабли унинг сифати бузилмаяпти. Бу эса харидорларга манзур бўлмоқда. Суратда: механизатор А. Захаркин маҳсулотни юкламоқда.

В. Углик фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ГЎШТ

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

Кимки ўз бурчига садоқат билан, муносабатда бўлиб, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда меҳнат қилса, иши ўнгидан келаверади. Шу ҳақда ўйлаганимда даставвал хўжалигимизнинг Уринбой Мубораков, Отаев, Баҳром Шокиров каби моҳир бригада бошлиқлари фаолияти кўз ўнгимда намоён бўлади. Улар талабчан, касбга меҳр қўйган моҳир пахтакорлар. Ҳар қандай шароитда ҳам нолимасдан, баҳона изламасдан меҳнат қиладилар.

Ўтган йили мураккаб шароитда ҳам бу азаматлар улоқни олиб чиқиб кетишди. Уринбой Мубораков бригадаси ҳар гектардан 38 центнердан хирмон кўтарди. Қолган икки бригада ҳам юқори кўрсаткичга эришди. Умуман олганда ўтган йилги эришган ютуқларимиз анча дуруст бўлди: совхоз бўйича энг рекорд ҳосил олинган йилга нисбатан 1200 тонна кўп пахта ҳосили олдик. Мавжуд 40 та бригададан 37 тасида план бажарилди.

Беш йилликнинг тўртинчи йили марраларини белгилаб, ютуқларни мустаҳкамлашга ахд қилар эканмиз, эришилган натижаларни пухта таҳлил қилдик. Яхши ишларимиз нима, қандай нуқсонларга йўл қўйдик. Бу ҳақда пахтакорлар, мутахассислар билан биргаликда фикрлашдик.

Гап шундаки, бизда учта бригада планини бажара олмади. Хўжалик бўйича гектаридан 30,6 центнер ҳосил олингани ҳолда мазкур бригадаларда ҳосилдорлик 25—26 центнердан ортмади. Бунга сабаб шуки, уларда ер яхши етилмасдан, обдон текисланмасдан чигит экилган эди. Шунинг учун ҳам кўчат бут бўлмади. Бунинг устига дўл уриб кетгандан кейинги ишлар ҳам юқори савияда бажарилмади.

Биз ҳамма бўлим ва бригадаларда ишни илғор пахтакорларимизнинг тажрибаси асосида ташкил этиш учун зарур тадбирларни белгилаб чиқдик.

Бу тажрибалар нималардан иборат? Ўғит, айниқса, чиритилган гўнг — ҳосилнинг онаси. Биз ҳар бир бригадада гектарига 10—12 тоннадан маҳаллий ўғит солишни мўлжаллаб иш олиб борамиз. Илғарилари маҳаллий ўғит трактор ва арава билан далага олиб чиқилиб, сув билан эгатга оқизилади. Бу тадбир ўтган йилги шароитда ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни яхши ғўзаларга етказиб олишда жуда қўл келди. Бу йил ҳам ана шу тажрибани кенг қўллаймиз.

КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида иш олиб бораётган деҳқонларимиз беш йилликнинг тўртинчи йилида 11706 тонна пахта етиштириш учун бел боғлаганлар. Бунинг учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

Ўтган йил кузда ер ҳайдашдан олдин ҳар гектарига 200 килограммдан аммофос, 300 килограммдан калий солинди. Чигит экиш учун ажратилган 3800 гектар майдоннинг тахминан 700 гектарга яқинини ажриқ босиб кетарди. Уни йўқотиш чорасини кўрдик. Гектарига 40 килограммдан гербицид солиниб, бу майдонлар 40 сантиметр чуқурликда ҳайдалди.

Экишни бошлашдан олдин ҳамма ерлар яхшилаб текисланди. Ўват, эски ариқлар ҳисобига 100 гектарга яқин ер кўшилди. Гектерлар тўла бўлди. Чигит аниқ уялаб, асосан кенг қаторлаб экилди. Уруғликни тайёрлашга алоҳида эътибор бердик: махсус мослама ёрдамида ивитилиб, димланиб, сўнг экилди. Ҳар кунги уруғ ҳар куни тайёрланди.



Бош агроном етакчилигидаги Сифат комиссияси ҳар бир бўлим, бригададаги ишнинг салмоғи ва сифатини назорат қилиб борди. Улар ер экишга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ишни бошлашга руҳсат бердилар.

Ўзаро мусобақада совхозимизнинг ўртоқ М. Шеҳов бошлиқ бўлими миришкорлари олдинда бормоқдалар. Улар бу йил 850 гектар ерда пахта етиштирадилар. Бу бўлим экин майдонлари асосан қир ерларда жойлашган. Шунинг учун ҳам улар экишни биринчи бўлиб бошлаган эдилар, биринчи бўлиб тугалладилар. Экиш билан бир йўла ҳар гектарига бегона ўтга қарши 1 килограммдан каторон гербициди, 35 килограммдан соф азот солиб кетилди.

Совхозимизнинг Ҳалил Йўлдошев, Абдулла Омонтоев, Баҳром Дўнгбоев, Ҳамза Мухторов, Раҳматилла Шеронов ўртоқлар бошлиқ бўлимларда ҳам дала ишлари кун сайин авж олдирилмоқда.

Хўжалигимизда бошқа тардаги экинларни экиш ҳам анча дуруст бормоқда. Ҳозиргача 200 гектардан ортиқ майдонга дон учун, 200 гектар ерга силос учун маккажўхори экиб қўйилди. Ҳар гектаридан 75 центнердан маккажўхори дони, 500—600 центнердан кўкпоя олишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, бу йил 80 гектар ерда янги бедазор ташкил этилди. Хашаки лавлаги, картошка, пиёз, помидор экиш соҳасидаги режаларимиз ҳам эътибор билан бажарилди. Хўжалигимизда 16 гектар боғзор бор. 200 минг тўп янги тут кўчати экилди. 540 гектар эски бедазорларда фетономусга қарши дорилаш ишлари ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети июль Пленумида чорвачиликни ривожлантириш, гўшт, сут етиштиришни кескин кўпайтириш умумхалқ вазифаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Хўжалигимизда пахтачилик етакчи тармоқ. Лекин чорвачиликнинг салмоғи ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Биз КПСС Марказий Комитети июль ва ноябрь (1978 йил) Пленумлари қарорлари ҳамда Тошкент область партия комитетининг чорвачиликни кескин юксалтириш масаласига бағишланган пленуми қарори, бу пленумда ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг сўзлаган нутқидаги йўл-йўриқлар асосида яқин йиллар ичида чорвачиликни кескин юксалтиришга қаратилган тадбирларни белгилаб чиқдик. Ҳозирги кунда фермамизда 1400 бош қорамол боқилмоқда. Шундан 623 боши соғин сигир. Бу йил сут етиштиришни 21 процент, гўшт етиштиришни 58 процент, тухум етиштиришни 52 процентга кўпайтиришимиз керак. Бунинг учун бизда тўла асос бор. Сигирлар сони йил охирига бориб 750 тага етказиламиз. Ҳар бир сигирдан 3350 литрдан сут соғиб олинади. Шу мақсадда сутчилик комплекси қурилмоқда. Дастлабки натижалар қувончли. Биринчи кварталда ўтган йили 330 тонна сут сотилган бўлса, бу йил ана шу муддат ичида 354 тонна сут топширдик.

Бўрдоқига боқишни яхшилаш ҳисобига гўшт етиштириш ҳам сезиларли даражада кўпаймоқда. Ўтган йили давлатга 270 тонна гўшт сотилган эди. Бу йил ҳамласи бўлиб 407 тонна гўшт етиштирилади. Шундан 350 тоннаси давлатга сотилади. Ўтган йил биринчи кварталида 104 тонна гўшт сотилган бўлса, бу йил 143 тоннага етди.

Шу кунларда 600 ўринли чўчқахона қурилмоқда. Бу ишни ўз кучимиз билан бажармоқдамиз. Йил охирига бориб чўчқалар сони 2 мингтага, она чўчқалар эса 50 тага етказилади. Бўрдоқига қўйилган чўчқаларнинг ўртача вазни 105—110 килограммга етганидагина гўштга топширамиз.

Қўйчилик ҳам юксалади. Ҳозирги кунда 5 минг бош қўй боқилмоқда. Шундан 1800 таси совлик. Ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 103 бошдан кўзи олинган бўлса, бу йил 105 тадан кам бўлмайди.

Паррандачилик—гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим резервларидан ҳисобланади. Бу соҳага ҳам эътибор кучайди. Ҳозирги кунда 1600 бош тухум қиладиган товуқ боқилмоқда. Бу кам, албатта. Яқинда 20 минг бош жўжа сотиб олиб келдик. Ҳозир бу жўжалар алоҳида рацион асосида парвариш қилинмоқда. Сентябрда товуқлари етилиб, тухумга киради. Шунда тухум қиладиган товуқлар сони кам деганда 5 минг бошга етади.

Бу йил давлатга 25,5 тонна пилла етказиб берамиз. Пилакорларимиз зиммага олган мажбуриятни, албатта, бажарамиз, деб астойдил енг шимарганлар.

Хўжалигимиз юксалишининг ойдин йўли сари дадил одимлар билан бормоқда. Биз ҳар бир соҳа бўйича зиммага олган юксак социалистик мажбуриятларимизни бажариш, ҳам пахта, ҳам чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш учун барча резервларни, имкониятларни тўла ишга соламиз.

Т. ИНОМОВ, 1-«Пискент» совхозининг директори.



ТОШКЕНТДАГИ «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси йигирув цехининг илғор ишчиси Г. Гумарова шу кунларда смена топшириқларини доим 130 процентга етказиб бажармоқда. Ҳозир у келгуси йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот беряпти. Суратда: Г. Гумарова.

А. Тўраев фотоси.



Малик БАДАЛОВ Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида салкам 30 йилдан буён механизатор бўлиб ишлайди. У ҳамиша топшириқни ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак кўрсатмоқда. Суратда: ўртоқ М. Бадалов.

М. Қорабеков фотоси.

РАЙОН ОБОД БЎЛМОҚДА

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари ободонлаштириш ишларини зўр иштиёқ билан олиб бормоқдалар. Бу ерда 196 ташкилот ва идора маъжуд бўлиб улардан шу кунга қадар районни ободонлаштириш ишига 414 минг киши жалб этилди.

Йўл, тротуарларни ремонт қилиш бетон, шағал, дарахт, гул кўчатлари ташиш учун ташкилотлардан 900 та машина ажратиш планлаштирилган эди. Амалда эса бу план оширib бажарилди. 900 ўрнига 955 машина ишлади. План бўйича мевали ва манзарали дарахтлардан 31 минг туп экиш мўлжалланган эди. Бу план 32400 қилиб бажарилди. Майда, бута ўсимликлар пландаги 115 минг ўрнига 116 минг 650 дона экилди. Шу каби жуда кўп атиргул, карнайгул ва бошқа ҳар хил гуллар экилди. Кўплаб ирригация шохобчалари тозаланди ва тартибга солинди. Бундан ташқари 3870 квадрат метр йўл-тротуарлар ремонтдан чиқарилди.

Трамвай, троллейбус, автобус бекатларига айвончалар қуриш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Районда 7-8 гектар ерни эгаллаган ўрта микросквер лар ташкил қилинди. Бу ишга майдонлар келажакда меҳнаткашларнинг ҳордиқ чиқариш масканларига айланади.

Район ободонлаштириш бошқармаси Беруний майдони, Форобий, Мирушкин кўчаларида гул кўчатлари ўтказиш планини оширib бажарди.

Шу кунларда Софийская проспекти айниқса гўзал тусга кирган. Бу проспектдан икки томонлама йўл ўтади. Йўл ўртасидаги бир неча километрга чўзилган майдон киши ҳавоси келадиган қилиб ясатилган. Унда акация, эман, чинор дарахтлари, дарахтлар орасига атиргул ва бошқа хил гуллар экилган. Бундан бир неча йил аввал Тошкент давлат университетининг атрофидаги катта майдонларни ёввойи ўт-ўланлар босиб ётар эди. Ҳозир бу жойлар яшил бўстонга айлантирилган.

Ободонлаштириш ишида районнинг ҳамма маҳаллалари актив қатнашмоқдалар. Жумладан, Охунбобоев маҳалласидаги қатор кварталларда ва кўчаларда олма, олча, шафтоли каби мева дарахтлари ва акация, терак каби манзарали дарахт кўчатлари, гуллар, 5000 дона кўкат девор ниҳоллари ўтказилди.

М. ДАУКАЕВ.

ОСИЁ ВА АФРИКА МУЗИКАСИ

Музикашуносларнинг 24 апрель куни Ўзбекистон пойтахтида очилган Бутуниттифоқ кенгаши Осиё ва Африка мамлакатлари музика маданиятининг ҳозирги аҳволи ва уни ўрганиш истиқболлари мавзуига бағишланди. Кенгаш программаси ўтган йил октябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган халқаро музикашунослик симпозиумида ўртага қўйилган проблемаларни давом эттиради, деса бўлади. Жаҳон музика санъатининг ўшанда сўзга чиққан, шунингдек ЮНЕСКО ҳузуридаги халқаро, музика кенгашининг VII конгрессида сўзга чиққан тараққийпарвар арбоблари миллий мероснинг энг янги музика ютуқлари билан синтез қилиниши, бир-бирини бойитиши муҳимлигини таъкидлаган эдилар. Совет Ўрта Осиёси халқларининг музика маданияти ана шундай синтезнинг ёрқин намунасидир. Халқнинг классик музика мероси билан чамбарчас боғланган бундай маданиятни вужудга келтириш тажрибаси ҳозирги пайтда интернационал аҳамиятга эга.

Музикашуносларнинг Тошкент учрашувида докладлар ва нутқлар тингланади. Совет ва хорижий Шарқ музика маданияти анализ қилинади. Кенгаш мамлакат консерваторияларининг шарқшунос-музикашунос кадрлар тайёрлашини яхшилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

(ЎзТАГ).

ВАТАН МУҲАББАТИ— ШОИР ИЛҲОМИ

КЕЧА юбилей муносабати билан Юнотон Кураев (Коргар) билан учрашдим: аввалгидай хушсуҳбат, очиққўнгил ва камтар. Ҳар бир сўзида меҳнаткашларга, шу жумладан қалам аҳлига оталарча ғамхўрлик қилаётган, тинчликни кўз қорачиғидай асраётган партия ва ҳукуматимизга, бахт саодат боғидай гуллаётган ҳаётимизга миннатдорчилик билдирарди, шукур қиларди, таҳсин ўқирди.

— 70 ёшга тўлишим муносабати билан республика жамоатчилиги юбилейимни ўтказмоқда. — Шунинг ўзи ёрқин мисол, шунинг ўзи катта гап, — дерди у фахр билан. — Бундай замоннинг, бундай Ватаннинг қадрига етмаган одам кўр бўлади....

У ақинда ўзбек тилида нашр этилган «Озод Ватаним бор» шеърий мажмуасини варақлаб ҳаёлга чўмди. Эҳтимол ҳаёл учқур қанотларида уни ўтган йиллар ва босиб ўтган пастбаланд йўлларида сайр эттираётгандир.

Ҳа, Коргар кўп йўлларни босиб ўтди, ҳаётнинг кўп синовларини бошидан ўтказди. У— оддий ишчи фарзанди. Отаси Юсуф Хамм Кураев Самарқандда Абрамовлар заводида ишларди. Бировни бой, бировни камбағал, бировни зўравон, бировни бечорага ажратиб, ҳукм сураётган дахшатли замонага лаънатлар ўқиб, кун кечирарди. Болаларини, айниқса тинғич-тинчимас Юнотонни овутмоқ учун афсоналар ўқирди, қиссалар тўқирди. «Баъзида қиссагўйлик билан тонг оттирарди,— дейди болалик даврини эслаб Юнотон Кураев. — Эҳтимол ўша қиссалардан қалбимда адабиётга нисбатан илк қуртак пайдо бўлгандир... Ота Юнотонни Морозов номидаги босмахонага ишга жойлаштирди. Ҳарф теришни ўрганди. Бухоро яҳудийлари тилида «Рўшнои» ва тожикча «Овози тожик» газеталари шу босмахонада босиларди.

— Газетада чиққан ҳар бир шеърни завқ билан ўқирдим. Садриддин Айний асарлари, Яҳиэл Оқилов шеърларини ўқиб, қувонардим. Гўё улар менинг дилимдаги гапни топиб айтаётгандай... Боя-бора ўша шеърлар пайровида байтлар тўқийдиган бўлдим. Худди кечагидай ҳамон эсимда. 1929 йил эди. Бизнинг маҳалламизда ҳали ҳам судхўрлар топиларди. Судхўрлар ҳажвида бир шеър тўқидим. Ўша вақтда Яҳиэл Оқилов яҳудий шоирлари ичида номдор эди. Ҳузурига бордим. Шеърни ўқиб, мамнун жилмайиб, «бўлади» деди ва шоирликни, атоқли қалам соҳиблари шеърларидан ўрганишимни таъкидлади. Шундан сўнг қалам, китоб, дафтар айримас йўлдошим бўлди, — Коргар ҳарф терувчилик йилларини хотирлаб майин табассум қилди.

Коргар 1930 йилда устод Садриддин Айний билан учрашганини, унинг панду насиҳатларини мамнуният билан эслайди.

У даврдан эллик йил ўтибди. Коргар адабиётга бўлган туганмас ихлос ва муҳаббати, устодларидан қунт билан ўрганиши, тинимсиз машқ қилиши, гўзалликни шоирона кўз билан кўра олиши ва ҳаммадан муҳимроғи меҳнатга, ватанга, халққа, партияга бўлган беқиёс меҳру муҳаббати ва шу буюк муҳаббатни завқ билан куйлаши туфайли камолга етди, халқ ичида шоир деган улуғ ном олишга муяссар бўлди. Бухоро яҳудийлари адабиётида Коргар асарлари ўзига хос хазина ҳисобланади. Бу ерда Тошкент давлат педагогика институтининг профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Маллаевнинг бу адабиёт тўғрисида ҳар қандай бир фикрини келтирмоқ жоиздир: «Бухоро яҳудийларининг совет адабиёти Октябрь билан бирга туғилди, у шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиёт сифатида барча катта-кичик миллатлар адабиёти қатори камол топди, революция ғалабасини мустаҳкамлаш, социализм қуриш, Ватанни ҳимоя этиш, тинчлик ва демократия учун курашга хизмат қилди. Бу адабиётнинг Яҳиэл Оқилов, Арон Саидов, Ёқуб Хаимов, Коргар каби таниқли намояндалари етишди».

Коргар ҳақиқатан ҳам бу адабиётнинг таниқли намояндаси. Бунга унинг қатор-қатор достонлари, шеърлари, пьесалари ва таржималари гувоҳ. Мана, уларнинг намуналари: «Октябрь меваси» (1931 йил), «Ун йил» (1934 йил), «Ғалаба байроғи» (1937 йил), «Бахтиёр ҳаёт» (1938 йил), «Фашист қонхўрларга» (1938 йил), «Депутат» (1939 йил), «Папанинчилар» (1939 йил), «Ғалаба» (1940 йил), «Қаҳрамон Мишо» (1941 йил), «Кўча-кўйларда» (1944 йил), «Икки ёр учрашуви» (1945 йил), «Ҳужум» (1956 йил), «Ватанимни куйлайман» (1978 йил). Бу асарларнинг ҳар бири ўз вақтида ўткир ғоявий қурол сифатида Ватан ва халқимизга хизмат қилган.

1934 йилда битилган «Колхоз



Бормаймиз у ёққа, билиб ол, «меҳмон!»
Бизга қармоқ ташлаб,
қила кўрма ов,
Боревер, Исроил —
ўзингга сийлов!

Коргар драматургия соҳасида ҳам маҳорат кўрсатмоқда. Унинг «Биз ғалаба қиламиз!» номли пьесаси Ўзбекистон ва Тожикистон театрларида намойиш этилган. Шоир шеърларини, жумладан, «Самарқанд», «Ўзбекистоним», «Халқлар дўстлиги», «Хуш келдингиз» қўшиқларини хонандалар радио орқали куйлаб келмоқдалар. Коргар ижодида таржимонлик салмоқли ўринга эга.

Шоир «Озод Ватаним бор» мажмуасини қўлига олиб, ҳаёлга чўмади. У ўтган йилларини эслаяпти. Эҳтимол кўз ўнгидан ҳарф териб юрган йиллари кетмаётгандир. Ким эдинг-ю, ким бўлди? Оддий ишчи фарзанди эди. Ҳозир эса барқамол шоир, жамиятимизнинг фаол ходими. 1937 йилдан буён СССР Ёзувчилар Союзининг аъзоси. 1938—1941 йилларда «Адабиёт совети» журналини бошқарди. Неча йил «Байроқи меҳнат» газетасига масъул муҳаррир бўлди. Ҳа, шоирнинг фахрланса арзийдиган хотиралари бор. У умрини Ватан ва халқ хизматида ўтказаётганидан бахтиёр.

Биз истеъдодли шоирга узоқ умр ва баракали ижод тилаймиз. Жонибек ҚУВНОҚ.

ШОИР КОРГАР—70 ЁШДА

ЎЗБЕКИСТОН

КОРГАР

Ўзбекистон ғолибу перлаб турар машъалсимон,
Сийнаси устида доим барқ урар Ленин нишон,
Бу ватандир илму фан, пахта, саноатга макон,
Кўркаму зебо бинолар қад кўтармиш ҳар томон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон — жонижон.

Партия бизга зафарларда ҳамиша раҳнамо,
Беш йилликларнинг плани берди гурмушга сафо,
Халқимизнинг бахтидир ушбу пландан муддао,
Ўлкамиз олға босар меҳнатда якто бу замон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон — жонажон.

Бу гулистон юртимизда ҳамма миллат бахтиёр,
Ҳар бири меҳнат билан бўлмиш жаҳонда номдор,
Партия бизларга берди кенг ҳуқуқу эътибор,
Офарин дерман юракдан бошим осмон ҳар қачон,
Ўзбекистон, Ўзбекистон, Ўзбекистон — жонижон.

Мунизода таржимаси.

КИНО АСАРЛАРИ САРҲИСОБИ

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудиясининг ижодий коллективи ўтган йили 5 та бадиий, 5 та телевизион фильм яратди. Яқинда республика Кино уйида Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениеси журналистлар, ёзувчилар, бастакорлар, танқидчилар ва таниқли артистлар иштирокида ана шу фильмлар муҳокамасини ўтказди.

Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари V Тошкент кинофестивалида катта соврин олган «Муҳаббат ва нафрат», яқинда «Зангори экран»да кўрсатилган кўп сериали «Оловли йўллар» телефильмининг дастлабки тўрт қисми, колхоз ҳаётидан олинган «Ўзгалар бахти» фильми, «Наштар» сатирик киножурналининг 6-сони ва бошқа кино асарлари қизғин мунозарага сазовор бўлди. Айрим бадиий денталардаги мазмунан саёз эпизодлар танқид қилинди.

Муҳокамада Ўзбекистон Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, ССР халқ артисти Малик Қаюмов, драматург Иззат Султон, киностудия директори Ўлмас Умарбеков, кинорежиссёр Равиль Ботиров, киношунослар Жўра Тешабоев, Ҳамидулла Айбаров ва бошқалар қатнашдилар.

Э. ҚОДИРОВ.

«Тошкент ҳақиқати» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар

УЗОҒИНГИЗ ЯҚИН БЎЛАДИ

ШУ кунларда областимиз шаҳар ва районларида электрон ускуналар билан жиҳозланган янги алоқа уйлари қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Солдатск, Зафар, Янгибозор посёлкалари, Чиноз шаҳрида қурилаётган алоқа уйлари йил охиригача фойдаланишга топширилади. Бу ердан мамлакатимизнинг барча шаҳарларига телеграммалар юбориш, абонентлар билан телефон орқали гаплашиш мумкин. Йирик шаҳарларда бўлгани каби бу ерда ҳам КОД орқали Москва, Ленинград, Киев ва бошқа олис жойлар билан алоқа боғланади. Алоқа уйидан бир йўла ўнга яқин шаҳарга телефон қилса бўлади. Шунингдек, посилка қабул қилиш бўлими ҳам меҳнаткашларга хизмат қилади. «Ташоблсельстрой» трести қурувчилари алоқа уйлари корпусини тез суръатлар билан бунёд этаяптилар.

ТАРМОҚ РИВОЖЛАНМОҚДА

БЎСТОНЛИҚ районидаги «Хўжакент» совхозида янги сутчилик комплекси ишга тушди. Комплекс 600 бош қорамолни боқиш учун мўлжалланган.

«Хўжакент» — Тошкент боғдорчилик, узумчилик совхоз-трестига қарашли хўжаликлардан бири бўлиб, бу ерда асосий тармоқлар билан бир қаторда чорвачилик ҳам ривожланмоқда. Бунга сабзавот-беда алмашлаб экишнинг жорий этилганлиги, маҳсулотни қайта ишлайдиган заводларнинг чиқиндиларидан озуқа сифатида фойдаланиш ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда чорвачилик фермалари трестдаги деярли ҳамма хўжаликларда ишлаб турибди. Свердлов номли, «Бўстонлиқ» совхозларида йирик комплекслар барпо этилди. Бу ерда асосан сермаҳсул ола зот моллар боқилмоқда.

КИНО—ОММАГА

ОБЛАСТЬ клубларининг кино ходимлари ва уларнинг жамоатчи ёрдамчилари отрядлари составида салкам бир ярим минг ташаббускор бор. Уларнинг ёрдами билан спёсий ва иқтисодий билимларни тарқатувчи икки юздан знёд тематик лекторий очилди.

Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод ва бошқа шаҳарлар ҳамда посёлкаларнинг маданият уйлари, клубларда, цехлар, ётоқхоналарнинг қизил бурчакларида томошабинларнинг буюртмалари асосида тематик кино кечалари, кинематографчилар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Қишлоқ меҳнатчиларига кино хизмати кўрсатиш соҳасида катта иш олиб борилмоқда. Томошабинларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда эришилган муваффақиятлар учун, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда кинодан самарали фойдаланганлик учун пойтахт областининг кино ходимлари ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлишди.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

БОЛАЛАР — бизнинг келажагимиз. Ҳамма яхши нарсалар уларга. Халқаро болалар йилида областимиз шаҳар-қишлоқлар и д а кўплаб боғча-яслилар фойдаланишга топширилади.

Ғалаба районидаги кўпчилик колхоз-совхозларда янги типдаги болалар боғча-яслилари ишлаб турибди. Ҳademай, Димитров номли, «Москва» колхозларида ҳар бири 90 ўринли, Калинин районидаги «Москва» ва Куйбишев номли колхозларда ҳар бири 140 ўринли, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозида 180 ўринли болалар боғчалари қуриб битказилади. Умуман йил давомида областимиз хўжаликларида 1100 ўринли боғча-яслилар фойдаланишга топширилади.

СОВХОЗЛАРДА ҳам мактабгача болалар муассасалари қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. Шу кунларда қурувчилар Чиноз районидаги «Янгиобод» совхозида 90 ўринли, «Партия XXIV съезди» совхозида эса 140 ўринли боғча-ясли бунёд этмоқдалар. Йил давомида совхоз ишчиларининг фарзандлари учун яна 300 ўринли боғчалар қуриб берилади. Келаси йилда қурилишлар кўлами яна ҳам кенгаяди. Хўжаликларда 1340 ўринли боғча-яслилар қуриб, кичкинтойларга совға қилинади.

БОЛАЛАР КИНОТЕАТРИДА

ТОШКЕНТ Темирйўлчилар маданият саройи ҳузурида болаларнинг «Орлёнок» кинотеатри очилди.

Бу ерда ўқувчиларнинг Чапаев дивизиясининг собиқ жангчиси, ҳозирги вақтда исътефодаги подполковник В. П. Медведев билан учрашуви бўлиб ўтди. Граждан уруши ва Улуғ Ватан урушининг ветерани ўқувчиларга тилларда достон бўлган саркарда В. И. Чапаев тўғрисидаги хотираларини, Совет ҳокимияти учун олиб борилган курашнинг қаҳрамонона эпизодлари ҳақида гапириб берди.

«Орлёнок» кинотеатри болаларнинг севимли дам олиш жойи бўлиб қолди. Ўқувчилар бу ерга кўнгилли дам олиш учунгина келмай, балки штат бўйича лозим бўлган тўққиз нафар ходимнинг родини жамоатчилик асосида бажарадилар. Улар болаларга кўрсатиш учун фильмларни танлайдилар, билет сотадилар, тартиб — интизомни кузатиб борадилар, реклама ҳақида ғамхўрлик қиладилар.

Бу ерда ташкил қилинган махсус тўгарак ўз киномеханикларини тайёрлайди. Ҳозир бу ерда Тошкентдаги турли мактабларнинг 5—8-синф ўқувчиларидан 35 бола ана шу касбни эгалламоқда. Юқори синф ўқувчиларидан 140 киши кинотеатр ҳузурида ташкил қилинган «Кругозор» клуби ишида актив қатнашмоқда.



Пойтахтдаги ҳисоблаш-кредит техникуми студентлари Фрунзе райони территориясида ободонлаштириш ишларида актив қатнашишяпти. Суратларда: техникум талабалари Шота Руставели кўчасида жойлашган пахта тозалаш саноати марказий илмий-тадқиқот институти территориясида ободонлаштириш ишларини олиб боришяпти.

А. Абалян фотолари.



ТИЛИНГДА БОЛИНГ БОРМИ?

Касални дори билан эмас, балки сўз билан даволаган афзал, деган ҳикмат қадимдан маълум. Навоий бу фикрни қуйидагича ифодалайди:

Ҳам сўз ила элга
ўлимдан нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлик
тан ҳаёт.

Машҳур рус олимлари ҳам (Боткин, Мудров, Павлов) бемор кўнглини кўтаришга жуда катта аҳамият берганлар. Мудров шундай деган: «Агар бемор билан ҳамдард бўлиб, дори-дармон фойдали эканлигини тушунтириб берилса, беморда дорига ишонч пайдо бўла бошлайди, ўзини тетик сезади, дорини зўр умид билан истеъмол қилади. Бинобарин, беморда ҳосил бўлган ишонч, тетиклик ва умид дориан кўра афзал бўлиб чиқади».

Езувчи Куприн бир ҳикоясида врач тилидан бемор қизнинг онасига шундай дейди: «Агар сиз қизингизни куллирсангиз, кайфини чог қилсангиз дори-дармонлардан кўра фойдали иш қилган бўлардингиз».

Мулойим ва таскинлик инсон дилига шавқ-завқ, шуур бахш этади. Яхши сўз билан беморлар руҳини кўтариш, чеҳрасини нурафшон этиш ҳақиқий инсоний фазилат, совет врачининг муқаддас бурчидир. Тошкентнинг Октябрь районидаги Каттабоғ маҳаллалик шифокор Жаббор Қобуловнинг юриш-туриши, соғу-беморлар билан муомаласи, муносабати шарқ ва ғарб ҳакимларининг муолажасини эслатади. Жаббор ака кўп йиллардан бери 22-поликлиника участка терапевти бўлиб хизмат қилади. Аммо, барчага баробар, доим хизматга тайёр. Беморни бориб кўраман дедими, бас, албатта ваъдасининг устидан чиқади. Бемор оғир аҳволда бўлса, уни ёлғиз қолдириб кетмайди.

Дардига ғам-ташвиш сабаб бўлган беморга, масалан, тикансиз гул йўқ, ғавғосиз бош йўқ, бу ҳам ўтиб кетади, эсдан чиқиб кетади каби сўзлар билан кўнглини овлайди. Сўнг бирор латифа айтиб, беморни табассумга мойил қилади.

— Ана энди сизни даволаш осон, табассум даволашнинг бошидир, — дейди Жаббор ака муолажага киришар экан.

Шунақа муолажадан шифо топган Азамат ота:

— Сизни кўрсам, сўзингизни тингласам «тилингда болинг борми» деган нақл ёдимга тушади, — деб докторга ҳазил аралаш миннатдорчилик билдирган.

Кўча ёки гузарда доктор билан кўл бериб ва ҳаттоки қучоқлашиб кўришадиган собиқ беморлар ҳам учраб қолади. Шифокор бу кишининг соппа-соғайиб кетганлиги ҳақида бирин-кетин далиллар келтиради. «Чеҳрангиз очиқ-ойдин, бинобарин, танингиз соғ, вақтингиз чоғ» ёки «Менга қаранг, кўзга яқин бўлиб қолибсиз, қулоғингиз орқасига андек қоракуя суртиб юринг» деб тиббий афсунни мустаҳкамлайди.

— Врачлар ҳаётида ҳам оғир дамлар бўлади. Гоҳ пайтлари бемордан ёки унинг таниш-билишларидан шифокор ноҳақ озор чекади, — дейди у. — Мана бир воқеавий ҳодисани айтиб берай. 1975 йил. Кечқурун савдо техникумининг талабаларидан Ф. билан З. велосипедда кўчалар бўйлаб сайр қилишади. Ўзига мағрур йигитчалар кўча қоидасини унутишади ҳам. Соат 10 дан 30 минут ўтганда ўқдек учиб келаётган бир «Волга» йигитчаларни уриб кетади. Ф.нинг тенгдошлари интизом ва тартибга чақирган бўлим бошлиғини ахтаришади, касалхонани оёқ ости қилишади. Жиддий муолажалар ва операциялар вақтинча тўхтайди. Жоҳилларни қайта тартибга чақирган бир жарроҳ балога қолади. Оқибатда ўзи бетоб бу жарроҳ кўрпа-ёстиқ қилиб ётиб олади.

Шоир демиш:

Касал боққан одамни
сен дема соғ,
У ҳам қайғу билан
касалдир шу чоғ.

Совет кишиларининг тиббий ва маданий савияси улуғ. Маъмурчилик, озодалик, ободончилик мавжуд экан, одамлар руҳияти ва саломатлиги ҳам кундан-кунга яхшиланиб бораверади.

Шаҳримиз муолажа илмининг масканлари ва шохобчаларида сидқидилдан хизмат қилаётган Жаббор ака каби медицина ходимларимиз оз эмас. Ҳа, халқ муҳаббатига сазовор бўлаётган баодоб, мулойим, ширинзабон шифокорларимиз бор бўлсин!

З. ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

КЎРИК-КОНКУРСГА

ҲОЗИР областимизнинг барча район ва шаҳарларида ашула ва рақс ансамблларида ва хор коллективларининг кўрик-конкурси ўтказилмоқда. Унда Оҳангарон, Коммунистик, Калинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ районлари ҳамда Ангрен шаҳар маданият уйлари қошида ташкил этилган ҳаваскорлик коллективлари фаол қатнашдилар.

Ўрта Чирчиқ районининг ашула ва рақс ансамбли конкурс ғолиби деб топилди ва область кўригига тавсия этилди. Шунингдек, Ангрен шаҳар маданият уйининг хор коллективи ҳам кўрикда мукосиб ўринни эгаллади.

Май ойининг иккинчи ярмида ўтказиладиган область кўригининг ғолиблари пойтахтимизнинг маданият ва истироҳат боғларида ўз санъатларини намойиш этадилар.

САНЪАТКОРЛАР САФАРИ

ОБЛАСТИМИЗ пахтакорлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг дилларини хушнуд этиш учун Ўзбекистон давлат филармонияси санъаткорлари икки группага бўлиниб колхоз-совхозларга жўнаб кетишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олмахон Хайитова раҳбар бир группа санъаткорлар Оққўрғон, Пискент, Бўка районларида бўлишади. Хушовоз хонанда Ортиқ Отажонов бошчилигидаги санъаткорлар эса областимизнинг бошқа пахтакор районларида маданий хизмат кўрсатишаяпти.

«Лазги» ансамбли коллективи эса Россиянинг ноқоратупроқ зонасида меҳнат қилаётганлар ҳузурига жўнаб кетди. Ўзбекистон ССР халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбар бу ансамбль Иваново, Новгород областларининг меҳнаткашларига санъат маҳоратини намойиш этади. Шундан сўнг ансамбль коллективи РСФСР бўйлаб ижодий сафарга чиқади.

«ОРЗУ» ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

КОММУНИСТИК районн маданият уйи қошида бундан беш йил олдин бадиий ҳаваскорлик тўгараги базасида «Орзу» ашула ва рақс ансамбли тузилган эди. Колхозчилар, ишчи ва хизматчилардан уюшган ансамбль қисқа вақт ичида санъат мухлислари эътиборини қозонди. Биргина ўтган йили «Орзу» район хўжаликларининг клуб ва дала шийпонларида 120 тадан знёд хилма-хил программада концерт кўрсатди.

Ансамбль ВЛКСМнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган бадиий ҳаваскорлик коллективлари кўригида муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринни олди ва район комсомол комитетининг Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Ҳозир «Орзу» янги парвозларга шайланмоқда. Коллективнинг бадиий раҳбари Ҳ. Баратов, музика раҳбари О. Мақсудовлар ансамбль учун янги репертуар программаси тузишди. Программадан халқ, Ватан, партия, бахтли ёшлик ҳақидаги куй-қўшиқлар ўрин олган.

М. ЗАРИПОВ.





Суратларда: Совет хоккейчилари ҳужумда. Мухлислар командамизни қўллаб-қувватламоқда.

И. Уткин, А. Яковлев ва В. Ун Да-син фотолари.

ТАСС фотохроникаси.

ХОККЕЙЧИЛАР ЧЕМПИОНАТИДА

Москвада хоккей бўйича ўтказилаётган жаҳон ва Европа биринчилигида иккинчи группада қатнашаётган командалар ўртасида ҳам кескин кураш бормоқда. Негаки, охирги ўринда қолган команда олий лигадан чиқиб кетади. Ана шу кўнгилсиз ҳолга тушмаслик учун тўрт команданинг ҳар бири бор маҳорати ва тажрибасини ишга солмоқда. Ўтган куни АҚШ хоккейчилари Польша командасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Финляндия спортчилари эса ГФР командасини 7:3 ҳисобида енгишди.

Кеча чемпионлик учун асосий даъвогар бўлган финал тўртликдаги командалар ўртасида ўйин бўлди. Аввалига майдонга Чехословакия—Швеция, сўнгра эса СССР—Канада командалари чиқдилар.

Спорт

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Москвада волейбол бўйича аёллар ўртасида олий лига қатнашчиларининг якунловчи тур ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Автомобилист» волейболчилари сўнгги давра учрашувларини жуда бўш ўтказишмоқда. Улар ЦСКА ва «Уралочка» командаларига ютқазишгандан кейин МОПИ ва Ленинграднинг ТТУ командаларидан ҳам енгилдилар.

Чемпионатда 21 очко тўплаган Свердловскнинг «Уралочка» командаси якка пешқадамлик қилмоқда. «Уралочка» ўтган куни пойтахт динамочиларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. «Аврора» командаси устидан 3:0 ҳисобида ғолиб келган ЦСКА жадвалнинг иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Тошкентлик волейболчилар Ленинграднинг ТТУ командасига ютқазиб қўйганларидан кейин яна бир поғона орқага чекиниб, еттинчи ўринга тушиб қолдилар.

СПАРТАКИАДА ТАРАДДУДИ

Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон чавандозларининг матч учрашуви бўлиб ўтди. Бу мусобақаларда тренерларимиз СССР халқлари VII спартакиадасида қатнашадиган чавандозларнинг маҳоратини яна бир бор синаб кўрдилар.

Беллашувларнинг сўнгги кунида тошкентлик спорт мастери Юрий Ковшов «Катта соврин» эгаси бўлди. Тўсиқлардан ошиб ўтишда яна бир вакилимиз спорт мастери Сергей Лисицин бошқаларга қараганда энг яхши натижа кўрсатиб, биринчи бўлди.

Ўзбекистон чавандозлари команда ҳисобида ғолиб келдилар. Қозоғистон вакиллари иккинчи, Қирғизистон командаси учинчи ўринни олди.

«ТОШКЕНТ БАҲОРИ» ТУРНИРИ

«Политотдел» стадионида чим устида хоккей бўйича аёллар ўртасида ўтказилган мусобақалар тугади. Тошкент область комсомол комитетининг «Тошкент баҳори» соврини учун мамлакат чемпионатининг олий лигасида қатнашаётган олти команда куч синашди.

Москва областининг «Спартак» командаси соврин эгаси бўлди. Москванинг иккинчи вакили — физкультура институти командаси иккинчи ўринни эгаллади. Тошкентнинг «Университет» хоккейчилари учинчи бўлишди.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти 27 апрель куни ўтказилади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ўсмирлар ижоди. 10.35 — Эгизаклар. Бадиий фильм. 11.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Шахмат мактаби. 16.50 — Горнчилар, қаердасиз! 17.20 — Миллионлар ленинча университети. 17.50 — Мультфильм. 18.05 — Жасорат. 18.35 — Афғонистон Демократик Республика деб эълон қилинган кунга. Афғонистон телевидениесининг программаси. 20.05 — Дунё воқеалари. 20.20 — Виолончелда А. Наварра чалади. 20.55 — Концерт. 21.30 — Вақт. 22.05 — Эстрада программаси. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Теннис. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — О. Еқубов. Диёнат. Видеофильм. 3-серия. 18.00 — Болалар учун фильм. 18.15 — Ешлик. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Уч авлод — уч жасорат. 19.20 — Кино оламида. 20.15 — Янги ҳаёт тонги. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Г. Еқубов ва Д. Жабборова концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Комплекс механизация — пахтачиликда бош йўналиш. 22.20 — О. Еқубов. Диёнат. Видеофильм. 4-серия.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Генерал жаноб олийларининг адъютанти. Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 — Байрамолди рекламаси. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Янгиликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IV да **Бир актли балетлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IV да **Ғариблар**, 27/IV да **Тирик мурда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да **Ужарлар**, 27/IV да **Шаҳзода ва етим қиз.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **янги программа, катта цирк томошалари** (19.30).

Узбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича универсал-токарь ва универсал-фрезерчи, учиш аппаратларини йиғувчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, дурадгор, тунукасоз, слесарь, асбобсоз-слесарь, газ-пайвандчи, слесарь-сантехник.

Ўқиш муддати — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАЙДИГАН 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртини битирганларга ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ва эгаллаган ихтисоси тўғрисида диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдаги мавжуд имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ҳунар-техника билим юртида спорт майдончалари, тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараги мавжуд.

Билим юртининг соғломлаштириш-спорт лагери Чимён яқинида жойлашган.

Ўқиш даврида ўқувчилар бепул уч маҳал овқат, кийим-бош билан, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

Қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. катталикда 8 дона ва 3х4 см. катталикда 6 дона фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (29-трамвай, 20, 30-автобусларнинг «Валихонов» кўчаси бекати).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг Тошкент область давлат музика билим юрти 1979—80 ўқув йили учун КУНДУЗГИ БЎЛИМГА қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

фортепьяно, хор дирижёрлиги, торли асбоблар (скрипка, альт, виолончель, контрабас), духовой ва уриб чалинадиган асбоблар (флейта, гобой, кларнет, фагот, труба, валторна, тромбон, туба), ўзбек халқ музика асбоблари (най, қўшнай, чанг, рубоб прима, қашқар рубоби, дутор, дутор-бас, доира, ғижжак, ғижжак-альт, ғижжак-контрабас), баян, қўшиқ айтиш, музика назарияси.

Қабул имтиҳонларига 14 дан 30 ёшгача бўлган кишилар (вокаль ва дирижёрлик-хорга — 18 ёшдан) **қўйилади.**

Ўқишга кирувчилар тўлиқсиз ўрта ёки ўрта маълумотга эга бўлишлари лозим. Фортепьяно, торли ва назария бўлимларига 7 йиллик музика маълумотн бўлган шахслар қабул қилинадилар.

Дирижёрлик-хор, халқ чолғу асбоблари, баян, духовой ва уриб чалинадитан асбоблар бўлимларига 4—5 синф музика маълумотига эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Қўшиқ айтиш бўлимига вокаль хусусиятларига эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Қабул синовларига қўйиш ҳақидаги аризага (бўлимлар, мутахассислик кўрсатилган) **қуйидагилар қўшиб топширилади:** маълумоти ҳақидаги (асл нусхаси ва 8—9 синфлар табели) ва музика мактабини тугатганлик ҳақидаги (асл нусхаси) гувоҳномалар; туғилганлик ҳақидаги (паспорт шахсан кўрсатилади), ҳужжат, меҳнат (колхоз) дафтарчасидан кўчирма (меҳнат стажи 2 йилдан кам бўлмаганлар учун), 4 та фотосурат (3х4 см.), медицина справкаси (286-форма).

Билим юртининг кундузги бўлимига ўқишга кираётганлар — мутахассисликдан, музика билими, музика назарияси (фортепьяно, назария ва торли асбоблар бўлимларига кирувчилар учунгина), сольфеджио ва эшитиш қобилиятини текшириш, хотирот, ритм; фортепьяно-дирижёрлик-хор бўлимига кирувчилар учун (4—5 синф ҳажмида маълумотли) ва назария бўлимига кирувчилар учун (7 синф музика маълумоти); умумий таълим мактабларининг 7—9 синфларини тугатганлар учун — она тили ёки рус тили ва адабий ўқиш (оғзаки); умумий таълим мактабларининг 10-синфларини тугаллаганлар учун — СССР тарихи (оғзаки), она тили ва адабиёти ёки рус тили ва адабиётидан (ёзма).

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ИИЛУ 10 ОЙ.

Ҳамма бўлимларга аризалар 1 июндан — 5 июлгача қабул қилинади.

Кундузги бўлим учун имтиҳонлар 6 июлдан 20 июлгача қабул қилинади.

Консультациялар — 25 июндан 4 июлгача.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Директор номига ариза юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар билан бирга қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент область, Бекобод шаҳар, 64-квартал, қабул комиссияси.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент.—П, ЛЕНИН кўчаси, 41. Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р—12975. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2381.